# Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш




09:21 / 28.09.2023    1760

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасининг 56-оятида:

**إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا**

**«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари пайғамбарга салавот айтурлар. Эй иймон келтирганлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар!»** дейди.

Набий алайҳиссаломга Қиёматда кимлар яқин бўлади
Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
**«Қиёмат куни менга энг яқин бўладиган кишилар менга кўп саловот айтадиганлардир»,** дедилар.
*Имом Термизий ривоятлари.*